

**ХАРИДЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ
УСКУНА**
(Бир конвертли савдо жараёни)

Давлат: Ўзбекистон Республикаси

Лойиҳа номи: Чирчиқ, Бухоро, Андижон ва Самарқанд шаҳарларида марказлаштирилган иситиш тизимини реконструкция қилиши ва энергия самарадорлигини ошириш

Шартнома: Марказий иссиқлик таъминотини диспетчерлаштириши тизими

Қарз/Кредит: МАР № 6173-UZ

Сотиб олиши идентификация раками: ICB-DH-DS-ALL

1. Ўзбекистон хукумати Халқаро ривожланиш ассоциациясидан (МАР) «Андижон, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлаштирилган иситиш тизимини қайта қуриш ва энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси учун харажатларни қоплаш мақсадида кредит олди ва Чирчиқ, Бухоро, Андижон ва Самарқанд шаҳарларида Маказлаштирилган иссиқлик таъминотини диспетчерлаштириш тизимларини яратиш учун маблағларни йўналтиришни режалаштирумокда.

2. Қурилиш ва коммунал хўжалик вазирлиги хузуридаги Жаҳон банкининг лойиҳа амалга ошириш гурухи тендер иштирокчиларини “Марказий иссиқлик таъминотини диспетчерлаштириш тизимларини яратиш бўйича шартромаларига тамғаланган, ёпик пакетда тендер таклифларини тақдим этишга таклиф этади. Ушбу контрактлар (4 лот) ЦТ диспетчерлаштириш тизими учун барча зарур компонентларни етказиб бериш ва ўрнатишни ўз ичига олади. Етказиб бериш талабларига мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга преференциялар берилади.

3. Тендер савдолари Жаҳон банкининг МБРР кредитлари ва МАР грантлари бўйича «Товарлар, ишлар ва маслаҳат хизматларини харид қилиш бўйича қўлланма»сида белгиланган халқаро тендер савдолари жараёнлари бўйича ўтказилади, январь 2011 йил («Харид қилиш бўйича қўлланма») ва барча талабларга жавоб берадиган тендер иштирокчилари учун очиқдир, шунингдек 1.6 ва 1.7 пунктларида Бутунжаҳон банкининг манфаатлар тўқнашувига оид сиёсати келтирилган.

4. Қизиққан иштирокчилар қўшимча маълумотни қуидаги манзилдан олишлари мумкин:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик вазирлиги

Самандар Караев - Лойиҳа амалга ошириш гурухи директори

электрон почта: rcsu.dheep@gmail.com

тендер хужжатларини иш вақтида: 09:00 дан 17:00 гача (Тошкент вақти) қуидаги манзилдан олишлари мумкин.

5. Конкурс таклифлари қуидаги манзилга 2025 йил 25 июн куни Тошкент вақти билан 16:00 дан кечикмай етказилиши керак. Электрон тендерлар қабул қилинмайди. Кечиккан таклифлар рад этилади.

Таклифлар 2025 йил 25 июн куни Тошкент вақти билан 16:00 да тендер иштирокчилари ва иштирок этмоқчи бўлганлар ҳозирлигига очилади.

6. Конкурс таклифлари очилган кундан бошлаб 120 кун мобойнида амал қилиши керак ва қўйидаги қийматларда банк кафолати билан таъминланган бўлиши лозим:

- Лот 1 учун – Бир минг АҚШ доллари (USD 1,000.00);**
- Лот 2 учун – Тўрт минг АҚШ доллари (USD 4,000.00);**
- Лот 3 учун – Бир минг беш юз АҚШ доллари (USD 1,500.00);**
- Лот 4 учун – Икки минг АҚШ доллари (USD 2,000.00).**

7. Манзил:

Аниқлик киритиш керак бўлган саволлар учун:

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалик вазирлигидаги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи
Осиё кўчаси (Ц-5) 60, кв. 50,
Тошкент, 100017, Ўзбекистон
e-mail: pcu.dheep@gmail.com